

# HUQUQ

# 06

(425)

YURIDIK GAZETA

Fevral

D.	6	13	20	27
S.	7	14	21	28
Ch.	1	8	15	22
P.	2	9	16	23
J.	3	10	17	24
Sh.	4	11	18	25
Y.	5	12	19	26

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Axborot

## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодилов раҳбарлигида Республика прокуратураси органларининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси ўтказилди.

Ҳайъатда 2005 йил мобайнида прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган таркиби иш тироқида ўтказилган амалий кенгашида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қилинган ишлар таҳлил қилинди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 259 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифасини бажаришда қонунбузишларга йўл қўйган 122 минг нафар мансабдор интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Таъкидландики, прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатини қўзғаб судларга 95 млрд. сўмликдан ортқ 49 мингга яқин

даъво аризалари киритилгани ҳолда, фуқаролик ва ҳўжалик судлари томонидан қаноатлантирилган даъво аризалари бўйича гул маблагларининг ҳақиқий ундирилишида суст-кашликка йўл қўйилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари фаолиятида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида камчиликлар мавжудлиги қайд этилди ва бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кўчайтириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Президентининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилишга оид фармон ҳамда қарори талабларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, мансабдорларнинг суиистеъмолчиликлари юзасидан қатъий чоралар кўриш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларига жиддий эътибор қаратиш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Бош прокуратура ҳўзуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 47 млрд. сўмдан ортиги ундирилганлиги, валюта билан ноқонуний муомала қилиш ҳўллари юзасидан бир-мунча ишлар қилинганлиги айтиб ўтилиб, бу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тезкор қидирув имконият-

ларидан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш ишларида ҳамон камчиликлар борлиги танқид қилинди.

Вояга етмаганларнинг ҳўқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида 21 мингдан зиёд прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилганлиги таъкидланиб, бу йўналишдаги қонунбузилишларга барҳам бериш юзасидан янги вазифалар белгилаб олинди.

Суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқарраллигини таъминлаш борасида қилинган ишларга тўғрисида, прокуратура органлари ўтказган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг қарийб 61 млрд. сўмлиги ёки 73 фонздан ортиги қўлланганлиги эътироф этилди.

Фаолиятида қонунбузишларга йўл қўйган прокуратура органларининг 567 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди ва 64 нафари прокуратура органларидан бўшатилиди. Қадрларни танлаш, тайинлаш, уларнинг масъулиятини кескин ошириш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Бош прокурор томонидан бarcha прокурорлар олдига қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини тубдан яхшилаш, мавҳуд камчиликларни бартараф этиш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот маркази



Эртага Алишер Навоий тававаллудига 565 йил тўлади

Ittixor

### Чин сўз — мўътабар

Барча буюк ижодкорлар сингари Алишер Навоий ҳам асарларида ҳаётнинг бугун мураккаблигини муҳаббат ва нафрат, шўқуҳ ва тушқунлик, руҳий парвоз ва маҳзунлик тўйгулари билан ифода этади. Шоир зиддиятларни қиёслаб тасвирлар экан, ҳамма вақт эзгу гоёлар тантанасини қўзғаб фикр юртади ва комил инсон ахлоқини намуна қилиб кўрсатиб, жамият воқеалари, одамларнинг аъмолу ишларига шу мавҳедан туриб баҳо беради.

Навоий жамики сохтакорлик, ёлгон ва ясама муомала-муносабатлар, зулму ситам, қаллоблиғи тилбеламаликни кучли бир нафрат билан қоралайди. Ва бунга муқобил равишда самимият, ростлик, сидқу сафо, адлу инсофни улуглаб мадҳ этади.

Ушбу тушунчалар қиёси «Ҳайрат ул-аброр» достонида бошидан охиригача давом этади. Чунончи, ҳажни ноҳақ қилиб кўрсатувчи, «хўйла уйига сутун» бўлган риёкор шайхлар ҳам, «дунё зийнати касбида хўйла-созлик» қилувчи, «кўнглида минг ғарази бор» нопок амалдорлар ҳам, ўзини доно қилиб кўрсатувчи жоҳил уламолар ҳам аслида тўғри йўлдан юрмайдиган, манфаат учун, нафс учун оқни қора, қорани оқ деб бўқаламунлик қиладиган ёлгончи кишилардир. Шоир бу тоифаларнинг ҳар бирини алоҳида олиб, турли ташбеҳлар ёрдамида фош этади, сохтакорликнинг ижтимоий моҳиятини очиб беради. Аммо бу билан ҳам қаноатланмай, «Ростлик таърифидокиим...» деб бошланувчи мақоласида мазкур мавзу устидан яна

батафсилроқ тўхтаб ўтади.

Навоий ростликни «вуҳуд уйи», яъни борлиқни мувозанат ва мутаносибликда тутиб турувчи устун, инсоният жамиятини ичдан ёритувчи мунаввар шам деб таърифлайди. Зеро, Аллоҳнинг бир исми Ҳақ, яъни ростлик (чин, ҳақиқат)дир. Бугун олам ана шу Ҳақ ҳикматининг қонуниятини асосида қурилган адолат ҳам аслида ростликнинг тантанаси бўлмоғи керак. Одил одам шунинг учун одилки, у ўртада туриб ростни ёлгондан, ҳақни ноҳақдан ажратади, ҳақиқатни барқарор этади. Ростлик — инсонни шарафловчи фазилат, иймон-эътиқод асоси. Ростўй одам жасур, маънавий соғлом (солим), осойишта ва хотирхам бўлади. Навоий бу хислатни одамнинг ички олами, тарбиясига боғлаб тушунтиради. Чунки асил моҳияти, нияти тўғри бўлган одам ҳар ерда, ҳар қандай шароитда тўғрилик тарафида туриб, уни ҳимоя қилади. «Ростдур улким назари тўғридир». Яъни, дунёга, одамларга, ҳаётга тўғри назар билан қарайдиган, муносабат-муомаласи ҳам тўғри одамни рост йўлдан юрадиган одам дейиш мумкин. Шоир ростликнинг аҳамияти ва фойдасини турли ташбеҳлар орқали ёрқин тасвирлаб, ростўй подшоҳлар, ҳақ йўлида жон фидо қилган набилар, ориф инсонларни мисол қилиб келтиради. Сулаймон пайгамбарнинг узугига «ростию расти» («тўғри бўлсанг, тараққий этсан» ёки «тўғрилик — нажот йўли») деб ёзилган экан.

(Давоми 3-бетда).

Jarayon

Фахриддин КОМИЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты

### Тадбиркорлик субъектларига яна бир эркинлик

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асослари шаклланиб бorgan сарни, демократик принциплар ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, 2005 йилнинг декабр ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турлари қисқартирилганлиги ва уларни бериш тартиб-қоидалари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганлиги бунга яққол мисолдир.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги қарорининг 5-банди ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланган ҳамда 2005 йил 27 ноябрда Қонунчилик палатасига киритилган эди. Унга кўра ўзгартириш ва қўшимчаларни 9 та қонунга нисбатан татбиқ этиш назарда тутилмоқда. Жумладан, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлар мувофиқ лицензиялаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, лекин бу қонунларда лицензиянинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган эди. Шу бoис жойларда ваколатли органлар тадбиркорлик субъектларига «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга зид равишда қисқа муддатта, яъни бир йилга лицензия беришар эди.

(Давоми 2-бетда).

## СВОЖЖҚ ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бектемир туманида К.Ражабов, Д.Улмасов ва М.Тешабоев бошқарувидаги «КамАЗ» автомобиллари тўқтатиб текширилганда, уларнинг юкхонасида хусусий тadbirkор Н.Дадихожеева ва фуқаро И.Еқубовларга тегишли, Қозғонистонда сўмлаб чиқарилган 11 млн. 700 миң сўмлик 45 тонна ун борлиги аниқланган. Н.Дадихожеева ва И.Еқубовлар ушбу унни номзўлму шахсга сотишганлиги аниқланди.

«Избоскан фаввораси» МЧЖ раҳбари А.Максимов улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш рухсатномасига эга бўлмасдан 23 млн. 180 миң сўмлик улгуржи савдонга амалга оширилганлиги ҳамда қадаст ҳужжатларини қалбақлаштириб, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномани қўлга киритганлиги маълум бўлди. Текширувда А.Максимов фаолияти юзасидан ДСИга топширган ҳисоботларда солиқ солинадиган объектни 644 млн. 965 миң сўмга камайтириб кўрсатиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган 22 млн. 46 миң сўмлик мажбурий тўловларни тўламаётганлиги аниқланган.

Бағдод туманида Р.Умаров «Дамас» автомобиласида ҳеч қандай ҳужжатсиз 1 млн. 188 миң сўмлик 2800 кути тамаки маҳсулотларини сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги аниқланган.

Навоийлик Ж.Ғайбуллоев 45 га ерни олиш учун Навоий ширкат ҳужжалини тугатиш ва фермер ҳужжалига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига ўзининг ҳисоб рақамиди 25 млн. 6,8 миң сўм маблағ мавқудлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тақдим қилган. Комиссия аъзолари эса Ж.Ғайбуллоев тақдим этган ҳужжатларни тўлиқ ўрганмай, 45 га ерни бериб юборишган.

Сайхунбод туманидаги «Пахтабанк»нинг минибанк бўлими мудири Ҳ.Тожибоев, бош ҳисобчи И.Уралов ва бошқарувчи А.Мама-товлар олдидан келишиб, аслида валюта қимматликлари олиш учун муқожаат қилмаган У.Тўраевнинг номига 4280 АҚШ доллари сотилганлиги ҳақидаги маълумотномани қалбақлаштириб, ушбу валюта қимматликларини ўзлаштиришганлиги аниқланди.

Сергели туманида фуқаро Х.Ил-ёсов 3 кг. симолини фуқаро А.Соиповага 3600 АҚШ доллариға сотаётган вақтида ушлаган. Текширишда Х.Илёсов ушбу суюқлини «Баходир» исмли шахсадан олганлиги, унинг ҳақиқий макдори 2 кг. 710 грамм эканлиги маълум бўлган.

Самарқанд вилоятдаги «Сувокова» ИЧБ раҳбари Ҳ.Сирожиқдинов, «Санжарбек Янги тонг» МЧЖ раҳбари С.Бозоров ва «Самарқанд-Дон» АЖ мансабдорлари тил бириктириб, қардорлини бошқа шахсга ўтказиш ва талаб қилиш тўғрисида ун томонлама шартнома тузишганлиги маълум бўлди. Яъни, «Санжарбек Янги тонг» МЧЖ томонидан «Сувокова» ИЧБга топширилмаган эҳтиёт қисмлар унн тўловни 6 млн. сўм ҳамда «Самарқанд-Дон» АЖ ва «Сувокова» ИЧБ ўртасидаги 1 млн. 844 миң сўмлик қардорлини қалбаки ҳужжатлар асосида 6 млн. қўлиб расмиёлаштиришган. «Санжарбек Янги тонг» МЧЖ раҳбари С.Бозоров ушбу қалбаки ҳужжатлар асосида «Самарқанд-Дон» АЖдан 6 млн. сўмлик омухта ем маҳсулотларини олганлиги ва давлатга 4 млн. 155 миң сўмлик зарар етказганлиги аниқланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилади.

## Тadbirkорлик субъектларига яна бир эркинлик

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Қонун лойиҳасида тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аудитторлик ва баҳолаш фаолияти учун лицензияларнинг чекланмаган муддатга берилишини назарда тутди, бу эса тadbirkорларнинг ҳар йили янги лицензия олиш ташвишидан халос этади.

2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги қонуннинг 12-моддасига кўра лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган. Аммо мазкур қонуннинг 2-қисмида лицензиянинг амал қилиш муддати Вазирлар Маҳкамаси томонидан 5 йилдан камроқ этиб белгилашни мумкинлиги қайд этиб ўтилган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида лицензиянинг амал қилиш муддати камида 5 йил деб белгиланаяпти.

Маълумки, мамлакатимизда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш учун талаб қилинадиган рухсатномалар тadbirkорларнинг олдига турган энг катта тўсиқлардан бири эди. Амалдаги қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, жумладан Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-2-қарори билан тасдиқланган ва лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхатига улгуржи савдонинг киритилиши ушбу тўсиқни

бартараф этади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида улгуржи савдо билан шуғулланаётган тadbirkорларга фаолиятини чекланмаган муддатга амалга ошириш учун имконий яратилмоқда.

Шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»-ги қонунлар ва Фуқаролик кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар олдига ташланган катта қадамдир.

Ҳар қандай корхона учун реклама унинг фаолияти самарадорлигини оширишда мумин ўрин тутди. «Реклама тўғрисида»-ги қонунда белгиланган почта жўнатмалари орқали рекламани тарқатишга рухсатноманинг талаб қилиниши ҳам тadbirkорларнинг олдига турган тўсиқлардан бири эди. Ушбу қонун лойиҳаси мазкур рухсатномани бекор қилишни кўзда тутди.

Хулоса қилиб айтганда бўлсақ, рухсатнома турларининг қисқартирилиши ва уларни бериш тартибининг соддалаштирилиши натижасида тadbirkорларнинг имконияти янада кенгайди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодийнинг ўсишига, янги иш ўринларининг очилишига шaroит яратди.

## Тadbirkор манфаати прокурор назоратида

Назорат органларининг тadbirkорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг «Тadbirkорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbirkорли тўғрисида»-ги фармони (2005. 14.06) қабул қилиниши, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тартиби белгиланди.

Сирдарё вилоят прокуратураси ўтган йили мазкур фармонни жамоатчиликка тарғиб қилиш юзасидан назорат қилувчи органлар иштирокида 258 та ташвиқот тadbirkор ўтказди, жумладан ОАВда 44 та чиқиш қилинди. Бирок вилоят прокуратураси томонидан Гулистон шаҳар ва Сайхунбод туман солиқ инспекциясига ўтказилган текширишда фармон талаблари бузилишига йўл қўйилиб, тadbirkорлик субъектларига нисбатан ноқонуний санкциялар қўлланилгани аниқланди.

Вилоят солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳ.Раҳматуллоев 2005 йил октябр ойида «Қурилиш Омон савдо» хусусий корхонасида текшириш ўтказди, 142.000 сўмлик рубероид қирим ҳужжатларисиз савдога қўйилганини аниқлаган ва Гулистон шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Б.Эргашев томонидан 6 ноябр кўни корхонага 142.000 сўм жарима солинган. Ваҳоланки, фармонда тadbirkорлик субъектларига нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилиши, текширишда аниқланган солиқ ва пенялар бериб оид давомидида ихтиёрий равишда тўланганда санкция қўлланилмағлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Сайхунбод туман солиқ инспекцияси томонидан 2005 йил сентябр ойида «Халқ банки»нинг Сайхунбод туман филиалида текшириш ўтказилиб, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича бюджетга 77.756 сўмни белгиланган муддатда тўлаб бермаганлиги учун 19.400 сўм устам жарима ҳисобланган ҳамда ш у асосда текшириш якуни бўйича солиқ инспекцияси бошлиғи 30 сентябр кўни банкка 104.900 сўм жарима солган.

Бу ноқонуний қарорларга вилоят прокуратураси томонидан протест киритилиб, бекор қилинди. Текшириш натижасида аниқланган ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Гулистон шаҳар ва Сайхунбод туман ДСИга тақдимнома киритилди. 4 нафар солиқчи (С.Кулманов, А.Ҳўшамкулов, О.Аъзамов ва Э.Мамиров) интизомий жавобгарликка тортилди, ДСИ бошлиғи ва ўринбосарлари расман огоҳландирилди.

Фурқат ЖУМАЕВ,

Сирдарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

## Эгри кўнги

Кўнгли эгрининг қўли ҳам эгри бўларкан. Бўлмаса, пойтахтдаги ўрта-максус билим юртида тулпа-тузук ўқиб юрган Андрей ўғирликка қўл урармиди? Тиркичиликнинг айби йўқ дейишди. Андрей таниши Ридваннинг тақлифи билан қўлқаватли ўйларидаги хонадонларга техник хизмат кўрсатишда ёрдамчи бўлиб ишлаш бошлади. Бошида ҳаммаси яхши эди. Қўли пул кўрди. Ойла-сидагилар ҳам унинг рўзгорига фойдаси тегаётганидан қувонишди. Аммо...

Уша кўни у Ридван билан Юнусобод туманидаги қўлқаватли ўйлари билан бирида, Б.Алиевага тегишли хонадонда ишлаётган эди. Шеригининг бандлигидан фойдаланган Андрей бироз чалғиш ниҳтида хонани кўздан кечира бошлади. Шу пайт бурчакда ўрнатилган стеллаждаги аёллар сумкасига кўзи тушди. Эгри кўнгли шу дамда ўз кўчини кўрсатди. Ридваннинг ҳали ҳам иш билан овора эканлигига ишонч ҳосил қилган, секин сумкани қўлига олди. Очиб қара-са, ичида бир талай тилла тақинчоқлар бор экан. Юраги ҳаприқиб, қилаётган иши жиноятлигини билса-да, тақинчоқларнинг ҳаммасини қўли билмас чўнтакка урди. Энди уйда ортиқ қолиб бўлмаслиги аниқ. Шу боис Ридванга тоби бўлмаётганлигини айтиб, жуфтани ростлади...

8.325.912 сўмлик тақинчоқларни номзўлму қимсаларга арзи-мас пулга сотиб, дўстлари билан кайфу сафо қилиб юрган А.Гри-нев ҳуқуқ-тартибот органларининг сай-ҳаракати билан қўлга олинди. Суд унга нисбатан жабрланувчига етказилган зарарни тўлаш ва 8 йилу 10 кун озодлиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Ўғрилиқ ҳамма замонда қораланиб келган. Эгрлик ҳеч қачон кишига яхшилик олиб келмаган.

Ирода КУРБОНОВА,  
Учтепа туман прокуратурасининг  
жамоатчи ёрдамчиси

## Билиб, билмай...

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги билан жамият тараққиёти орасида боғлиқлик бор. Иккаласи бир-бирини тўлдирди. Мана шу нараса халқ турмушининг фаровонлиги, мамлакат гуллаб-яшнашининг асосий омилдир. Ҳақ-ҳуқуқларини таниган, бурчларини ангаган киши қонунга итоаткор бўлади, бошқалардан ҳам шуни талаб қилади.

Афсуски, беш қўл баробар эмас деганларидек, барча юртовларимиз ҳажиди ҳам шундай фикр билдириб бўлмайди. Бунга навоийлик Дилбоҳор Дилмуродовнинг хатти-ҳаракатлари мисол бўла олади. 2005 йил 30 август кўни «Астрахан — Душанбе» йўналиши бўйича қатновчи пассажир поезда мамлакатимизнинг «Қорақалпоғистон» темирйўл шохбекатиға келиб тўхтаганда, божхона ходимлари бошқа йўловчилар қатори унга ҳам Т6 шаклидаги декларацияни тўлдириб беришни тақлиф қилишди. Д.Дилмуродова мазкур декларацияда Россиядан ўзи билан бирга биттадан тилла занжир, бразелет, бриллиант сирга, бриллиант ва зумрад қўли аёллар узуги, 700 Россия рубли ҳамда шахсий буюмлари солинган бир сумка олиб келаётганини кўрсатади.

Шундан сўнг божхона ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида унинг сумкаси текширилганда ундан нўхатдан бўшаган ўнча банкга яширилган 255 дона турли тилла тақинчоқлар чиқади. Тасаввур қилишнингиз учун шуни айтиш-шумиз керакки, уларнинг вази 1888,9 грамм бўлиб, умумий баҳоси 24.471.000 сўм эди. Тақинчоқлар далайли ашё сифатида олинди.

Суриштирув жараёнида Д.Дилмуродова мазкур тақинчоқларни Озарбойжоннинг Боку шаҳридан харид қилиб, сотиш учун Навоий шаҳрига олиб кетаётганлигиға иқдор бўлади. Ушбу ҳолат бўйича Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши Қонлиқул туман судига юборилиб, қонуний ҳукми чиқарилган.

Қонунларни билмай туриб жиноятга қўли уш кишини жавобгарликдан озод қилмайди, билиб туриб шу ишга қўл уриш ҳақида эса бундан ҳам кескинроқ фикр билдириш мумкин.

Абдумажид МАГАМЕДОВ,  
Оролбўйи транспорт прокурори

## Текуннинг тоши...

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақини ўз вақтида беришга доир бир қатор қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда аниқланаётган талон-тароқчиликлар қилини ўйлан-тириб қўяди. Наҳотки, бойлик деганларни эл ишончи, иймон тушунчаларидан ҳам устун турса?

Самарқанд шаҳридаги Л.Исаев номили Паразитология илмий текшириш институтида текшириш ўтказилганда, бош ҳисобчи Ш.Ражабов ва бошқалар 2003—2005-йиллар мобайнида ишчи-хизматчиларга тарқатилган иш ҳақи, хизмат вақтини тўлдириб бериш ва муқофот пули ведомостларидаги имзоларни қалбақлаштириб, 19.320.965 сўм пулни ўзлаштиришгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Пастдарғом туман электр тармоқлари корхона кассири Н.Тошмаматов ва бошқалар ҳам ишчиларга 5.342.000 сўмлик иш ҳақини тарқатмасдан, ўз нафсларини қондиришган. Эртага ҳақиқат юзага чиқиб, юзлари шувит бўлиб қолиши мумкинлигини эса ўйлаб ҳам кўришмаган.

Биргина ўтган йили ўтказилган текширишларда 52.000.000 сўмлик иш ҳақининг тўланиши таъминланган, судларга 451.000.000 сўмлик иш ҳақини ундириб бериш ҳақида 1089 та даъво аризаси киритилиб, 18 та жиноят иши қўзғатилган.

Раҳматулла ДОНИЁРОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

Ўтган ҳафтада Андижон вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

## Кенгаш йиғилиши

Кенгаш вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2005 йилги иш якунлари ва келгусидаги вазифаларга бағишланди.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан 2005 йилда қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлашда давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилган. Ҳамкорликда ишлар натижасида пенсия, нафақа ва бошқа иқтимоий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўланишиға эришилганлиги алоҳида таъкидланди.

Фуқароларни иқтимоий муҳофаза этиш, ишга жойлаш, нақд пул муомаласи, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва бошқа масалаларда қонунбузилишларга йўл қўйган айрим мансабдор ва масъул шахслар интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилганлиги айтиб ўтилди.

Кенгаш якунида солиққа оид қонунчилик, аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ ҳужалиғида амалга оширилаётган ислохотлар, вояга етмаганлар таълими ва меҳнатга оид қонунлар, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича профилактика тadbirkорлиги кўнайтиришга оид чора-тadbirkорлиқ белгиланди.

Исроил БИРОХИМОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири



(Давоми. Бошлангани 1-бетда).  
Навой ёзади:  
**Қилмас бу муҳр хати ёрлик,  
Шоҳга йўқ гайри гирифторлик.  
Туздук ул охир анга дастир,  
Туздук ила халқ анга фармонназир.**  
Яъни: агар бу муҳр (ёзув) ёрдам бермаса, шоҳ ноҳақликлар, ёлгонлар гирдобига гирифтор бўлади, худонинг ва халқнинг газабидан қутулмайди. Лекин Сулаймон ҳар доим ростликка амал қилгани боис салтанати мустаҳкамланди, одамларгина эмас, жинлару хайвонлар, ҳатто ҳашоратлар ҳам унга итоат этди. Юртга қут-барака ёғилди. Навоий бу мисол орқали муҳим ижтимоий масалани кўтаради: ростлик ва адолат — давлат ва жамият барқарорлигининг бош омилли. Бунинг акси ўлароқ, ёлгончилик авж олса, ахлоққа пугур етади, давлат ҳам, жамият ҳам емайрила бошлайди. Шу боис улуг мутафаккир ростлиқнинг қадри, аҳамиятини кўрсатиш учун ёлгоннинг фалокат келтирувчи оқибатларини бир-бир тасвирлаб ўтади.

Жамиятда ростлик ахлоқи қоида-қонун даражасида амал қилмаса, алдов ва фирибгарлик яшаш тарзига айланса, ростлиқнинг қадри тушиб кетади, одамлар бора-бора чин сўзга ишонмай қўядилар. Иш шу даражага борадики, кишилар рост гапдан балодан қўрққандай қўрқадилар, ростгўй одамга эса душманга қарагандай қарайдилар:

**Турфа замон аҳлига биз муғтало,  
Ким йўқ алар олинда чиндек бало.**  
Хато сўз, ёлгонга қаттиқ ишонган одамнинг қарашлари, тушунчалари шу асосда шаклланади ва унга кейин ҳар қанча рост гапни гапирсангиз ҳам қабул қилмайдиган бўлиб қолади. Бутун замон, давр шундай аҳволга туша, бу катта фожеа:

**Давр чу қалжика қилур иқтизо,  
Сен тиласан рост, эмастур розо.**  
Ҳа, замон эгрликни химоя этса, тўғрилиқ синида, бундай пайтда ростгўй одамни назар-писанд қилмайдилар, таъқиб этадилар ва ноҳорликда яшашга мажбур қиладилар. Навоий ҳазратлари ўз замонда ростгўйликдан азият чекканларни кўп кўрган. Жумладан, ўзи ҳам шундай кишилардан бири бўлгани сабабли бошига қанчадан-қанча кулфатлар ёғилган. Шу боис у алам билан ёзади:

**Кимки бу давронда қилур ростлик,  
Йўқтур иши гайри каму қостлик.**  
Ростлик тушунчаси садоқат, вафо, муҳаб-

бат, поклик тушунчалари билан маънодош. Ростгўй одамгина қаллоблик, макру хийлани фош қила олади, бу нуқсонларга қарши курашади, ўзини ҳам тоза-лаб, юксалиб боради. Шу маънода ростлик маънавий қамолотни белгилувчи асосий сифатдир. Ро-



## Чин сўз — муўтабар

стликка муҳаббат илмга, олимларга, яхши инсонларга меҳру муҳаббатни келтириб чиқаради ва охир-оқибат эзгу ишларга етаклайди, кишини Аллоҳга яқинлаштиради. Ёлгончилик эса аксинча, макр, ҳийла, кўзбўямачилик, лаганбардорлик каби қатор нуқсонларнинг дояси. Бу нуқсонлар фақат ўзининг соҳибигагина эмас, балки бошқаларга ҳам зарар келтиради, аксар жамият эътидоли (гармонияси)ни издан чиқаради.

Хўш, нега одамлар илоҳий сифат бўлган ростлиқни қўйиб, шайтоний сифат ҳисобланмиш ёлгонни қурол қилиб оладилар? Навоий ҳазратлари бу саволга ҳам жавоб қидирган. Унинг назарида бунинг сабаблари қуйидагилар: 1) шахсий манфаатни кўзлаб ёлгон гапирши ёки қаллоблик қилиши; 2) мансабга эришиш йўлида ўзини илмли, тадбиркор, ҳалол қилиб кўрсатиши, фитна турини тўқитиш; 3) заифлик ва қўрқув таъсирида ёлгон гапирши. Манфаат йўлида ёлгон ишлатиб, одамларни алдаш кенг тарқалган ҳавфли ҳодиса бўлиб, Навоий бунга бир неча мисол келтиради.

Сарой котиблари, амалдорларнинг пора олиб, бирни минг қилиб ёзишлари, садоқату диёнат қалбига тиг уриб, қогоз юзини «ўз юзлари каби қора» қилишларини газаб билан қоралайди шоир. Шундай «омили девон»лар борки, деб ёзади Навоий, уларнинг ёлгон

ва хийлаларига дев ҳам хайрон қолади. Улар тил бириктириб, сохта ҳужжатлар тайёрлайдилар, чиройли муҳрлар босадилар, мақсадлари эса шу орқали эл молини ўзлаштириш ва қўшимча солиқлар орқали аҳоли бошига бало ёғдириш. Подшо эса бундан аксар беҳабар қолади, алданади:

**Ғофил ул ишдин шаҳн давлатпахо,  
Давлати арқони бўлуб риншаҳо.**  
«Сабаъи сайёр» дostonида Алишер Навоий ёлгончи, қаллобларнинг типик тинимсолларини тасвирлаб берган. Иккинчи иқлимдан келган мусофир Баҳром Гўрга Зайди Заҳоб (заҳҳоб — заргар) ҳақида хикоя қиладди. Зайд подшонинг ишончини қозонган моҳир уста бўлади. Аммо унинг нияти бузук, мақсади давлат молини ўмариб кетиши. Шоир унга бундай таъриф беради:

**Чун амонатда бедийнат эди,  
Иши шоҳ молига хиёнат эди.**

Бир куни у шоҳга ҳашаматли олтин тахтада ўтириш сизга ярашади деб маслаҳат беради ва шундай тахтни ўзи ясаб беришини айтиди. Дабдабаю шуқуҳчи яхши кўрадиган шоҳ бунга кўнади ва ҳазинадан бир неча юз ботмон олтинни ажратиб, заргар иктиёрига беришни буюради. Заргар эса олтинларни қўлга киритгандан кейин унинг асосий қисмини ўзлаштириб, тахтни қумушдан ясаб, устини

олтин суви билан қоплаб чиқади. Бундан хабарсиз шоҳ Зайдни олқишлаб, яна мукофот ҳам беради.

«Маҳбуб ул-қулуб» асариди Навоий ростгўй, садоқатли ва ёлгончиликни қислаб ёзади: «Тенгри дўстлари сидқу сафо маъданидур, ёлгончини дебдурларки, Тенгри душманидур». Тангри душманини мусулмон деб бўлмас:

**Улки шпор айлади ёлгон демак,  
Бўлмас ани эру мусулмон демак.**  
Аллоҳнинг расули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам шунинг учун ҳам «Ёлгончи менинг умматимдан эмас» («Қаззабуна ла уммати») дея хитоб қилган дейди Навоий.  
Улуғ инсонпарвар Навоий номуносиб хис-

латларни одамлар ахлоқидан сиқиб чиқариш, бадном қилувчи, тубанлаштирувчи жами нуқсонларга барҳам бериш учун курашиб келган. Шунинг учун ҳам ёлгончилик касофатини нафрат билан тасвирлаб, оғоҳлантиради, гоҳида газаб билан ёниб гапирса, гоҳида насиҳат ва танбех орқали таъсир этмоқчи бўлади. Албатта, ёлгон бир кун келиб фош бўлади, ёлгончи шарманда бўлиши муқаррар деб ҳулосалайди шоир, аммо бу орада у кўпдан-кўп кишиларни хонавайрон қилиб, жамиятга катта зарар етказишга улгуради. Афсуски, инсонлар ўз ниятларини яширадилар, уларнинг қайси сўзи рост, қайси бири ёлгон эканини дафъатан ажратиш олиш қийин. Ёлгон минг хил чиройли «далилу исботлар», ёқимли сўзлар орқали беэзаб-бежаб айтилади. Алишер Навоий ана шу яширин иллатларни ошкор қилиш орузси сифатида рост ва ёлгонни ажрим қилувчи кўзга ҳақида ёзади.

Одам ҳамма вақт виждон тарафиди туриши ва кўнгил ойнасини пок сақлаши лозим. Шунда росту ёлгон бир-биридан ажралади, яхши-ёмон аниқланади.

Улуғ бобомизнинг ўғити қанчалик ҳаётий ва ҳаммаша замонавий.

**Нажимиддин КОМИЛОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

*Жонда ишқинг бўлгуси, то танда жон бўлгусидир,  
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлгусидир.*

*То тирикдурмен ичида жола тушкан гунчадек,  
Хаста кўнглум дурри ишқингга макон бўлгусидир.*

*Дарду ишқинг доғи ул соатки ўлсам, жон аро,  
Жонинг иккита нуқтаси янглаг нишон бўлгусидир.*

*Ул Масиҳ анфоси жонбахшу лаби ҳайвон суйи,  
Оллоҳ-оллоҳ, неча жоним нотаовон бўлгусидир.*

*Меҳр шаъми дудидин қиссамни ёз, эй чарқким,  
Зийнати авроқинг ушбу дoston бўлгусидир.*

*Ўқидин кўнглунг қачонга теғру захм ўлағи деманг,  
То бу қуш бўлгусидир, ул ошён бўлгусидир.*

*Гул қулоғин чун оғир қилмиш кириб шабнам суйи,  
Неча, эй булбул, ишинг доим фиғон бўлгусидир?*

*Эй Навоий, кўкка теғру дарди оқимдин шиканж  
Еткали ул ойга гўё пардон бўлгусидир.*



## Ўқувчиларга қулайлик

Ҳар йили буюк аллома Алишер Навоийнинг таваллуд куни юртимизда кенг нишонланади. Навоийхонлиқлар уюштирилиб, шоирнинг бебаҳо асарлари ўрганилади. Асрлар оша қўлиматини йўқотмай келатган бу асарлар умрбодидир. Шу ўринда бир неча йил олдин россиялик шоир йигитнинг Навоий ҳақида айтган гаплари беихтиёр ёдимга тушди.

— Илгари ўзбекча биз русларни улуг оғам дея эъзозлашини кўп эшитганман. Гоҳида бундан фахрлиб ҳам кўярдим. Аммо орадан йиллар ўтиб, Алишер Навоийнинг асарлари билан яқиндан танишганим сари бу фикрга қўшилмай қўйдим. Сабаби жуда оддий. Бунч карангки, сизлардан буюк Навоий, биздан эса Пушкин чиқди. Биз-ку, Пушкиннинг даражасига ҳар қалай етдик, лекин на сиз, на биз, на бошқа миллатдан бирорта шоир Навоий даражасига етгани йўқ.

Шундай экан, биз шоир бобомиз яратиб кетган маданий меросни кўз қорачиғидек асрашимиз, асарларининг мағзини чақиб, баҳра олишимиз керак. Бу йўлда кутубхоналарнинг ўз ўрни бор, албатта. Негаки, барча хондонларга ҳам Навоий асарлари кириб бормаган, ҳамма ҳам шоир асарларини сотиб олиб ўқийвермайди. Кутубхоналарда, айниқса аллома номи билан аталадиган Ўзбекистон миллий кутубхонасида бу муаммоларга умуман дуч келмайсиз. Бу ерда шоир қаламига мансуб хоҳлаган асарингизни топиб ўқийшингиз мумкин. Яқиндан бошлаб кутубхона маъмурияти ўқувчилар учун яна бир қулайликни яратти. Кутубхонанинг ёшлар ўқув залиди Навоийга бағишланган кўргазма ташкил этилди.

**Муассар Низомиддинова, кутубхона ходими:**  
— Кўргазма асосан тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисм «Шеърятнинг сўнмас юлдузи», иккинчи қисм «Навоий замонашодлари хотирасида», учинчи қисми «Навоий кино ва театр талқинида» ва тўртинчи қисм «Навоий ҳайкалтарошлик ва гарафикада» деб



номланган. Кўргазма ташкил қилингандан буён бу ерга келиб, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишини хоҳловчилар анча кўлайиб қолди. Кўргазмининг яхши тарафи шундаки, бу ерга мутотала қилишга келган ҳар қандай киши кўргазмани ўз кўзи билан кўриши, нодир асарларни ўқиб, даҳо шоир ҳақидаги маълумотлардан баҳра олиши мумкин. Қўриб турганингиздек кўргазмада бир қанча нодир асарлар ҳам мавжуд. Навоийнинг илк девонини шундай асарлар қаторига киритиш мумкин. Мазкур китоб 1968 йилда чоп этилган бўлиб, 1466 йилда кўчирилган қўлёзманинг факсимал наشري ҳисобланади. Биз ўқувчиларга қулайлик яратиш учун бундан кейин ҳам шу каби кўргазмаларни ташкил қилишни режалаштириб қўйганмиз.

Кўргазмада, шунингдек, Навоий асарлари ва шоир ҳақидаги асарларнинг чет тилларга таржима қилинган бир қанча нусхалари намойиш қилинмоқда. Хусусан, Ойбек қаламига мансуб «Навоий» романининг инглиз тилидаги наشري ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур китоб 1948 йилда Москвада чоп этилган. Шу ўринда ўқувчиларнинг кўргазма ҳақидаги фикрини билишга қизиқдик.

**Аҳбор Шералиев, талаба:**  
— Узим ҳуқуқшунослик соҳасида ўқисам-да, шеърятга ҳам қизиқаман. Навоий кўргазмасининг ташкил этилганини кўриб жуда қувондим. Бундай кўргазмани адиб туғилган кун арафасида эмас, балки ҳар доим ўтказиб туриш керак. Биз буюк бобомиз билан ҳар қанча фахрланмайлик, унинг асарларини ўрганмасак ҳаммаси бефойда.

Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, тинчлик, дўстлик ғоялари Алишер Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини ташкил қиладди. Шундай экан, аллома асарлари авлодлардан авлодларга бебаҳо мерос бўлиб қолаверадди.

**Фозил МАМАШАРИПОВ,**  
«Нуқид» муҳбири

Хавонинг харорати бироз пасайиб, икки-уч кун сурункали ёккан қор ҳаммаи шошириб қўйди. Айниқса, қишга пухта ҳозирлик кўрилмаган жойларда аҳвол анча жиддий тус олди. Афсуски, бундай ҳолат Андижон вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хўнара таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари тасаруфидати ўқув юрталари ва мактабларда ҳам кузатилади. Қолбуки, бошқарма раҳбарлари қишга пухта ҳозирлик кўрилгани, ўқув муассасаларида қиш кунлари ҳам ўқувчиларнинг бемалол таълим-тарбия олишлари учун барча шароит етарли эканлиги хусусида мутасадди идораларга ҳисоботлар беришган. Бошқарма раҳбарлари билан учрашганимизда ана шу ҳисобот ва маълумотномаларни бизга ҳам кўрсатишди. Уларда қайд этилишича, қишга тайёргарлик ишлари ўз вақтида ниҳоясига етказилган, яъни қозонхоналар таъмирланган, иссиқлик тармоқлари ишга шай, етарли даражада ёқилги захиралари жамғарилган ва х. Маня шу ёзма ва оғзаки маълумотларга таянган ҳолда уларни алқаш мумкин эди. Лекин биз хулоса чиқаришга шошилмадик. Ҳақиқий аҳволни билиш учун вилоят маркази ва туманлардаги бир қатор коллеж ва мактабларда бўлдик.

# Қиш ҳам ошно

Қўрғонтепа туманидаги 11-мактабда. Синф хоналари совуқ, ўқувчилардан тортиб ўқитувчиларга палто, телпак кийган ҳолда дарс ўтишяпти.

— Нега қозонхона ишламапти? — сўраймиз мактаб директори Н.Уринбоевдан.

— Электр энергияси йўқ, тез-тез ўчиб туради, шунинг учун бугун ёқилмади.

— Лампочка ёниб турибди-ку.

— Э, свет келибди, ҳозир ёқамиз, — дея директор шошиб, ёнидагиларга қозонхонани ишга тушириш ҳақида кўрсатма берди.

13-мактабда ҳам шундай ҳолатга дуч келдик. Бу ердигилар ҳам электр йўқлиги ва бошқа сабабларни рўқча қилишди.

Хуллас, қайси муаммо ҳақида сўраманг, дарров бирор баҳона топилди. Лекин шу мактабнинг 3-«а» синфига кириб, журналдаги 25 ўқувчи ўрнига нега 18 нафари дарсда иштирок этаётган деган саволимизга жавоб беролмай синф раҳбаридан тортиб, мактаб директорига ер чишиб қилишди. Афсуски, бошқа синфларда ҳам шундай манзарага дуч келдик.

Ажабланарлиси, туман мактабларининг аксариятида болалар ҳеч қандай сабабсиз дарсларда иштирок этмаётгани синф журналларида қайд этилмаган.

— Тумандаги коллеж ва мактабларда воёга етмаганларнинг дарсларга қатнашуви, дарсларнинг таълим стандартлари даражасида ташкил этилиши ҳамда қишқи мавсумга тайёргарлик юзасидан бир қатор текширишлар ўтказганмиз, — дейди Қўрғонтепа тумани прокурори Улғубек Жўраев. — Аниқланишича, бир ой олдин тумандаги 4 та коллежнинг 1-курсига қабул қилинган 1290 нафар ўқувчидан сурункали дарсларга қатнашмаётган ўқувчилар сони 104 нафарни ташкил қилган.

Мақсуд ҳолат юзасидан воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия қўйиб, ИИБнинг воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жамоатчилик, айниқса, ота-оналар ўртасида сўхбатлар уюштириб, уларнинг масъулияти, қонун олдидаги жавобгарлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижада шу ойнинг ўзидаёқ яна 54 нафар ўқувчи дарсларга қатнаша бошлади. Бу жараён ҳозир ҳам давом этаётган.

Бир қатор муассасаларда ўқишнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ташкил этилиши ўрганилганда ҳам айрим қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Масалан, Қурилиш коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Б.Абдураззоқов ўқитувчиларнинг журналлар юритишини назорат қилмаган, уларнинг режаларини вақтида тасдиқлаб бормаган. Оқибатда коллежнинг 10 та гуруҳида 270 нафар ўқувчидан 61 таси дарсларга сабабсиз қатнашмаган. 5 та гуруҳда эса журналлар умуман юритилмаган. Бундай ҳолат мактабларда ҳам мавжуд.

Мана шу текширишларнинг давоми сифатида мутахассислари жалб қилинган ҳолда тумандаги таълим муассасаларида қишга қандай тайёргарлик кўрилгани ҳам ўрганилди. Аниқланишича, 7-мактаб ўт ўчириш воситалари билан таъминланмаган. Ёнгин хавфсизлиги бўйича масъул шахс бириктирилмаган, ўқув хоналаридаги очиқ электр симлари изоляция қилинмаган, 9-ма-

таб, 2- ва 19-мактабгача тарбия муассасаларида ҳам шундай камчиликлар бор. 7-, 22-, 35-, 13-мактабгача тарбия муассасаларида эса кўмирни махсус йўриқнома асосида сақлаш чоралари кўрилмаган.

Текшириш натижасига кўра таълим муассасаларининг 14 нафар масъул ходимига нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзга тилиди.

Избоскан туманидаги 1080 ўринли Агросоант коллежи 2004 йилда фойдаланишга топширилган. Бу ерда ҳозир 888 нафар талаба тахсил олмоқда. Бинони ташқарисидан кўрган одамнинг ҳаваси келади. Лекин ичкарига киришингиз билан

олиб чиқилмаган.

— Тўғри, охирига етказилмаган ишлар бор ҳали, — дейди коллеж директори Даврон Тўланов. — Лекин қурилиш ташкилоти раҳбарлари қолган ишларни битириб беришни ваъда қилишган. Бор камчиликларни кўрсатиб акт тузганмиз, улар имзо қўйиб тасдиқлаб беришган.

Қизиқ, давлатнинг миллионлаб сўм маблағи сарфланиб қурилган коллеж биноси наҳотки мана шу тартибда фойдаланишга топширилса?! Давлат қабул комиссияси қаёқда қолди? Наҳотки вилоят ҳокимлигини мазкур камчиликлар ташвишига солмасан?

Таълим муассасаларидаги бундай ноҳуш ҳолатларга, афсуски, Наманган вилоятида ҳам дуч келдик. Мингбулоқ туманидаги 3-мактабда миш. Бу ерда қозонхона мар-

йўлакларнинг бир метри ҳам қордан тозаланмаган. Бино ичидаги йўлаклар, ҳатто синф хоналарига ҳам қор, лой кириб кетган. Ўқувчиларнинг давомати айрим синфларда 45-50 фоизни ташкил қилди.

Вилоят марказида аҳвол яхши бўлса керак деган фикрда Наманган шаҳридаги 18-тиль мактаб-интернатида бўлдик. Афсуски, аксаринча экан. Қор ёғиб, қулар билан қозонхона совуши биланқ бу ердаги иситиш тармоғи ишдан чиқибди. Шу боис икки кундан буён бу ерда ўқиш тўхта-тилибди. Бизга ҳамроҳлик қилаётган вилоят халқ таълими бошқармасининг таълим жараёнини таъминлаш бўлими бошлиғи Қ.Шамсиддинов ҳам бундан беҳабар экан.

— Иситиш тизимида авария бўлгани учун ўзимизнинг икки буйруқ ҳамда ХТБ руҳсати билан ўқиш тўхтатилган, ҳозир таъмирлаш ишлари кетапти, — дейди мактаб-интернат директорининг ўринбосари Собитхон Тошпўлатов.

Биз мактаб ҳовлисида аварияни бартараф этиш билан шуғулланаётган на бирор мутасаддини, на бирор таъмирловчи устани учратдик.

— Вилоят прокуратураси органлари томонидан таълим муассасаларининг қишга тайёргарлиги ҳамда ўқувчи ва тарбияланувчиларга яратилган шароит юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган, — дейди вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Баҳодир Нуриддинов. — Масалан, Учқўрғон туманидаги 27-мактабгача тарбия муассасасида ўтказилган текширишда 7 турдаги, умумий баҳоси 2.200.000 сўмликдан ортиқ мол-мулк талон-тароҳ қилиб юборилгани аниқланди.

Мингбулоқ туманидаги 10-мактабнинг собиқ директори Қ.Нишонов мактабнинг иситиш тизимига қўлбола усулда тайёрланган қозонларни ўрнатиб, уларнинг ўрнидаги 944.800 сўмлик 2 та УНВ-6 маркали иситиш қозонларини олиб кетган. Наманган туман ХТБнинг хўжалик ишлари бўйича мудири Б.Раҳимов 15-бўчага топширилиши лозим бўлган 20 тонна кўмирни номаълум шахсларга сотиб юборган. Учала ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши

ҳафсалангиз пир бўлади, кўнглингиздан «сирти ялтирок, ичи қалтироқ экан-да» деган фикр ўтади. Негаки, ойнаванд эшикдан ичкарига кириб чап томонга юришингиз билан бир нафос деворлари ёригганига гувоҳ бўласиз.

— Коллежимизнинг 4-блоки чўққанми, билмадик, деворлари дарз кета бошлади, — дейди ажабланаётганимизни кўрган директор Одилжон Болтабоев.

— Қурилиши қайси ташкилот қилиб, бу ҳолатни мутахассислар келиб кўришди?

— Буз туманидаги 1-ПМК қурган, мутахассисларга энди мурожаат қиламиз.

Тушлик вақти бўлишига қарамай ошхона эшиги очилмади. Ичкарига кирмоқчи бўлгандик, қалит «топилмади». Коллеж фойдаланишга топширилганидан буён ошхона ишлаганми-йўқми, билолмадик. Ҳарорат мей-ёрида эмаслигига ҳам бир қанча сабаблар рўқча қилинди.

— Ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш давомати бугун 72 фоизни ташкил қилди, қор ёғиб, бироз совуқ бўлгани таъсир қилди шекили, — деди директор.

Дарс ўтилаётган бир неча гуруҳларга кирганимизда эса, даволат хатто 55 фоиз ҳам эмаслигидан ҳайрон бўлдик. Солиқ тизимидан сабоқ олаётган 1-гуруҳ ўқувчилари хонасига кирдик. Ўқитувчи Манзура Улмасова атиги 12 нафар ўқувчига дарс ўтмоқда. 50 фоиз ўқувчи нима сабабдан дарсга қатнашмаётганини на синф раҳбари, на бошқалар изоҳлаб беришди.

Булукбоши туманидаги Енгил саноат коллежи 2005 йили ишга туширилганига қарамай, қурилиш хануз ниҳоясига етмаган. Ювиниш хоналарининг жиҳозлари ўрнатилмаган, иссиқ ва совуқ сув умуман йўқ. Ошхона жиҳозлари ҳам тўла ўрнатилмаган. Коллежга кираверишдаги йўлак зинапоялари ҳозирданок кўчиб ётибди. Энг ачинарлиси, бинонинг шундоқгина олдиндан ўтган юқори кучли электр линияси коллеж ҳудудидан ташқарига

казий газ тармоғига улангани боис ташқарида 8-10 даража совуқ бўлишига қарамай синф хоналарида ҳарорат нормада. Бирок, шароит яхши бўлса-да, ўқувчиларнинг дарсларга иштироки ачинарли аҳволда. 3-«в» синфда 29 нафар ўрнига 16 та



Мингбулоқ туман прокуратураси ёрдамчиси К.Партиев ИИБ катта инспектори Ш.Ортиқов билан кўмир сақланган жойни кўздан кечиришди.

ўқувчи дарсда ўтирган бўлса, 3-«а» синфда 34 нафар ўқувчидан бор-йўғи 12 таси дарсга келибди, холос. Негагини ҳатто синф раҳбари Диллобар Усмонова ҳам изоҳлаб беролмади.

Ушбу мактабга 15 тонна кўмир ажратилган экан. Биз унинг қаерда ва қандай сақланаётгани билан қизиқдик. Мактаб директори ва хўжалик ишлари бўйича мудири мактаб ҳовлисида қор босиб, қулаб тушган бостирмани кўрсатиб, шу ерда сақланганини айтишди.

— Ҳозир шу ерда 15 тонна кўмир борми? — деб сўрадик улардан.

— Кўмирга бизда эҳтиёж бўлмагани учун кунни кеча бошқа мактабга олиб кетишди. Тўғри, уни сақлашда эътиборсизлик қилибмиз.

Бундай «эътиборсизлик»ка туманлардаги бошқа мактабларда ҳам дуч келдик. Уйчи туманидаги 3-мактабда 17 нафар техник ходим маош олиб ишласа-да, мактаб ҳовлиси ва

қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Бундан ташқари вилоят бўйича шу кунга қадар таълим муассасаларида ўтказилган текширишларда 106,2 тонна кўмир талон-тароҳ қилингани аниқланди ва прокуратура органлари аралашуви билан бу камомат юз фоиз қопланishiга эришилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Андижон ва Наманган вилоят прокуратура органлари таълим муассасаларининг бугунги аҳволини доимий равишда назорат қилиб бормоқда. Ойма-ой ўтказилаётган текширишларда янги-янги қонунбузилишлар аниқланмоқда. Уларни бартараф этишга вилоят ҳокимликларининг ўрта махсус касб-хўнара таълими ва халқ таълими бошқармалари раҳбарлари ҳам бош қўшмас экан, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Абдуқошир МАДАТОВ,  
«Huquq» мухбири



Мингбулоқ туманидаги 3-мактабга берилган 15 тонна кўмир шу ерда сақланган.



# Маърифат масканларидаги қонунбузарликлар


Мамлакат истиқболини белгиловчи омиллар қаторида, шубҳасиз, халқ таълимига бўлган эътибор энг асосийларидан бири ҳисобланади. Чунки эртанги кунимиз бугун мактабларда тахсил олаётган ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбиясига, уларга яратиб берилётган шарт-шароитга боғлиқ.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган республикамизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим тизимида туб ислохотлар бошлаб юборилди. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш ва уларни жамиятга мослашган, юқори маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ҳуқуқ ва бурчларини англаб етган шахслар этиб тарбиялаш, шу аснода келажак буюк давлат барпо этиш мазкур ислохотларнинг моҳиятини ташкил этди.

Хўш, мана шундай масъулиятли вазифалар юклатилган халқ таълими тизимида аҳвол қандай? Халқ таълими вазирлигининг жойлардаги бўлимларида «Таълим тўғрисида»-ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ижроси қай аҳволда?

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўтган йилнинг октябр ойида пойтахт халқ таълими бош бошқармаси ва унинг туман бўлимларида ўтказилган текширишлар давомида соҳада кенг қамровли иқтидорли ишлар амалга оширилганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, қатор нуқсон ва камчиликларга, қонунбузилиш ҳолатлари ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Маълумки, ўқувчиларнинг таълим дастурларини пухта эгаллаб олиши дарсликлар ва бошқа қўлланмалар билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминланганига боғлиқ. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва «Ўқув таълим таъминоти» бошқармаси ўртасида 2005—2006-ўқув йили учун бюджет ҳисобидан 351.709.000 сўмлик дарслик ва қўлланмаларни етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган. Шартномага мувофиқ халқ таълими бош бошқармаси «Ўқув таълим таъминоти» бош бошқармаси ҳисоб-рақамига 2005 йилнинг 1 октябрида 334.124.000 сўм ўтказиб берган. Бирок, текширув кунига қадар дарсликлар тўлиқ етказиб берилма-



ган. Хусусан, шахримиздаги махсус мактаблар 11.000.000 сўмликка яқин дарсликларни ўз вақтида олишмаган. Худди шундай, «Aluminium design» МЧЖ билан ўтган йилнинг 22 август кuni тузилган шартнома ҳам тўлиқ бажарилмай қолиб кетган. Мазкур шартномага кўра, МЧЖ олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг 60 кун ичида мактабга чала таълим муассасаларига 138.000.698 сўмлик мебелларни етказиб бериши лозим бўлса-да, ҳозиргача атиги 2.760.000 сўмлик мебел етказиб берган ҳолос. Шунга қарамай, халқ таълими бош бошқармаси бу ҳолат бўйича қонунчи чора кўрмаган.

Бундан ташқари Мирзо Улуғбек, Чилонзор ва Бектемир туманлари халқ таълими бўлимларида ўтказилган текширишда ҳам бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Чилонзор туман ХТБ томонидан 2004 йил мобайнида махсус ҳисоб-рақами ва юридик макомга эга бўлган 9 та мактаб, 4 та интернат ва 2 та муассасага 5.929.600 сўмлик, 13 та мактабга таълим муассасасига 2.874.300 сўмлик, 2005 йилда эса 5 та мактабга 113.500 сўмлик, жами 8.917.400 сўмлик материаллар асосида равишда бериб юборилган. Бу билан ХТБ мансабдорлари бюджет интизомини қўпол равишда бузишган.

Шунингдек 2005 йил 1 октябрга-ча тўлов мuddати ўтган (90 кундан

ортиқ) 8.514.000 сўмлик дебиторлик қарзлари мавжуд бўлса-да, ХТБ мансабдорлари томонидан ушбу қарзларни ундириш чорасини кўрилмаган.

«Бунёдкор юрт» фирмаси билан 4.800.000 сўмлик болалар чойшабини етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномага асосан олинган чойшабларни ХТБ мудирининг ўринбосари С.Авалбоев ва собиқ бош ҳисобчи Ш.Максудовлар сохта ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқаришган. Бу каби ҳолатлар юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатирилган.

Олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари текширилганда ҳам бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, 2005 йил 4 апрел кuni «Irsbek» хусусий фирмаси билан Мирзо Улуғбек туман ХТБ ўртасида мактабга таълим муассасасини капитал таъмирлаш тўғрисида қиймати 5.000.000 сўмлик шартнома имзоланган. Унга кўра, ХТБ мазкур маблағни фирманинг ҳисоб-рақамига ўтказиб берган, ўз навбатида фирма 2005 йилнинг май-июн ойларида 403-мактабга таълим муассасасида 5.082.927 сўмлик капитал таъмирлаш ишларини бажарган.

Аслида мазкур объектда бажарилган ишлар назорат ўлчовидан ўтказилганда, 1.957.729 сўмлик иш бажарилганлиги, тақдир этилган далолатномага эса сохта маълумотлар киритилиб, 3.125.198 сўмлик бажарилмаган ишлар қўшиб кўрсатилганлиги аниқланган. «Равнақ-

ли» МЧЖ ҳам шу йўлдан бориб, далолатномага сохта маълумотлар киритиб, 678.115 сўмлик бажарилмаган ишларни қўшиб кўрсатган.

Юқоридики айтилган ҳолатлар юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши кўзгатирилди.

Шунингдек, туман ХТБга қарашли «Фунча» мактабгача тарбия муассасасида ўтказилган текшириш-бини етказиб бериш тўғрисида муассасанинг ҳужжали мудир Ф.Усмонова жавобгарлигидаги моддий бойликлардан 1.800.000 сўмлик камомад борлиги аниқланди. Афсуски, бундай ҳолатлар ягона эмас. Бу каби ҳолатлар юзасидан ҳам жиноят ишлари кўзгатирилди.

Туман халқ таълими бўлимлари-га қарашли мактабгача тарбия муассасаларида санитария-гигиена қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги кузатирилган. Бундан ташқари шунки таъкидлаш лозимки, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва унинг тизимларидаги айрим мансабдорлар томонидан таълим ходимларини маданий тадбирларга жалб қилиш ишлари ҳам қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, маданий тадбирларни уюштирган тадбиркорлар томонидан шаҳар халқ таълими бош бошқармасига тақдим этилган чипталар мажбурий тарзда туман ХТБларига тарқатилган. Туман ХТБларининг маълум ходимлари эса чипталарни нақд пулга сотиб, пулини ўзларида сақлаб келгани кузатирилган.

Юқоридикилардан кўриниб турибдики, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва бошқармага қарашли айрим туман ХТБларининг маъсу-лият ҳодимлари вазифасига басы-

лиятсизлик билан қараётганликлар-и ҳамда маълум ходимлар томонидан уларнинг фаолияти устидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги оқибатида амалдаги қонунлар талаби қўпол равишда бузилишига йўл қўйилмоқда.

Мамлакатимиз умумий саводхонлик даражасига кўра жаҳонда етакчи ўринларда туриши билан фخرланасан арзийди. Ана шу мавқени сақлаб қолиш, керак бўлса янада олдинги қаторларга олиб чиқиш масъулиятли халқ таълими тизими зиммасидаги вазифадир. Фан, маданият, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини мутахассислар билан таъминлаб берувчи олий ва ўрта-маҳсус таълим даргоҳлари учун муносоиб ворислар тайёрлаб бериш ҳам умумтаълим мактаблари зиммасидаги масъулият эканини унутмаслик керак.


Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ажралмас тарихий қисмидир. Юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилганидек, улугвор мақсадларга, эзгу ниятларга эришиш, тараққиёт ва порлоқ истиқбол йўлида амалга оширилётган ислохотларимиз самардорлиги ва натижаси, энг аввало, замон талабларига жавоб берадиган малакали, билимдон кадрлар тайёрлаш билан чамбар-час боғлиқдир. Зеро, бугун мактаб парчасида ўтирган ўғил-қизларимиз юртимиз эртасининг ҳақиқий соҳибларидир.

**Мираглам МИРЗАЕВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
биринчи ўринбосари

Вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланган «Намангандонмаҳсулот» акциядорлик жамияти шулардан бири. 2000 йилнинг январ ойида шу корхонага раҳбар этиб тайинланган Р.Назаров зиммасига қанчалик залворли масъулият юклатилганини англаши лозим эди. Даставвал шундай ҳам бўлди. Бирок орадан йиллар ўтгани сайин жамият ривожини йўлида жон кўйдириш, жамоа манфаати ҳақида қайғуриш ўрнига нафс измига бўйсунди.

Р.Назаров дастлабки қалтис ишни 2003 йилнинг 1 ноябрида «Анджон ун» қўшма корхонасини икарага олиш тўғрисида шартнома имзоланганидан сўнг бошлади. Шу корхонанинг галла омбори мудирини С.Нажмиддинов, тайёр маҳсулот омбори мудирини ва тегирмон бошлиғини вазифаларида ишлаган А.Шомирзаев билан жинсий тил бириктирди. С.Нажмиддиновга зиммасидаги 7.300.676 кг бугдойни А.Шомирзаевга топшириб, бунини ҳисоботларда кўрсатмаслик ҳақида топшириқ берди. Натيجида шунча бугдой талон-тарожқилини, корхонага 691.536.090 сўмлик зарар етказилди.

Бу иш ими-жимиди амалга оширилганидан руҳланган Р.Назаров навбатдаги «операция»га киришти. Бу галал у ҳуфйида ишга қўли остида галлахона бошлиғини вазифасида ишловчи Р.Муродов ва Янгйқўрғон дон қабул қилиш шохобчаси раҳбари О.Мирзаевни жалб қилди. Р.Муродовга аслида Янгйқўрғон дон қабул қилиш шохобчасидан «Намангандонмаҳсулот»га келмаган 2.172.440 кг бугдойни жамиятга кириш қилиш тўғрисида озаки буйруқ берди. Бошлиқнинг амри вожиб



## Вафо қилмаган бойлик

Енгил-елли йўл билан топилган бойлик ҳеч қачон ҳеч кимга вафо қилмаган. У хурсандчилик ўрнига ғам-ташвиш келтиради. Бунини ҳамма Бундайлар айниқса мансабдорлар орасида мавжудлиги ачинарлидир.

Наманган вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан айрим корхоналарда содир этилган ана шундай жиноятлар фош этилди.

деганларидек, лаборатория бош-лиғи Б.Қўлдошев, лаборант Ш.Ал-маев, И.Хусанов ва Ш.Муллажа-новлар қабул қилинмаган бугдой учун лаборатория таҳлилларини амалга оширдилар. Уюшган гуруҳ аъзолари бугдой ташиммаган машиналарни жамиятнинг дарвоза журналичига қайд қилдириб қўйишни ҳам унуттишмади. Бунини соқчилар Э.Қаҳорон ва И.Мансуровлар қой-илмақом қилиб ууддалашди. Бу гал-ги текин лўкма 190.339.114 сўмни ташкил этди.

Терговда Р.Назаров бошлиқ гуруҳ 17.848.590 кг бугдойни ўзлаштириш йўли билан жамиятга 1.682.741.853 сўм зарар етказганлиги аниқланди.

Худди шу тарздаги жиноят «Наманган экстракт ён» акциядорлик жамиятида ҳам аниқланди. Жамият раиси Равшан Нўмонов илгари суд-ланиб, амнистия атига кўра жа-зодан озод этилган бўлса-да, бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига қўл о-стидаги айрим шахслар билан тил бириктириб, жамиятнинг катта миқ-дордаги мулкани талон-тарож қилиш орқали 85.281.297 сўмлик зарар ет-казди.

Ҳар икки жиноят иши юзасидан тергов яқунланиб, судга юборилди. Тергов даврида зарарлар айбдор-лардан тўлиқ ундирилди.

Таҳлилларга назар ташласак, ви-лоят прокуратураси иқтисодий жино-

ятчилик ва коррупцияга қарши кура-шиш бўлими томонидан 2005 йилда моддий зарар етказиш билан боғлиқ 41 та жиноят иши бўйича тергов олиб борилиб, улар оқибатида 2.564.029.000 сўм зарар етказилган-лиги аниқланди. Тергов жараёнида унинг 2.472.807.000 сўми ёки 96,4 фоизи айбдорлардан тўлиқ ундирил-ди.

Маълумки, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жинорий жазолар-нинг либераллаштирилиши муноса-бати билан Ўзбекистон Республикаси-сининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида»-ги қонунга биноан етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдорга озод-ликдан маҳрум қилиш тарихисидаги жазо қўлланмаслиги белгиланган.

Юқоридики ҳолатлар, яъни эл-юрт, давлат мулкани ўзлаштириш ва талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилаётгани эса бир жиҳатдан айрим фуқаролар-нинг ҳуқуқий ислохотлар моҳиятини тушуниб етмаслиги, иккинчидан бунини била туриб ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиши оқибатидир. Бундайларнинг онгини мабодо қил-мишларим фош бўлиб қолса, етказ-илган зарарни тўлаб қўйсам бўлди, жавобгарликдан соқит бўламан де-ган фикр эгаллаб олган.

Шундай кайфият билан юрганлар-га хулоса ўрнида алоҳида уқтириб ўтмоқчимиз: иқтисодий жиноятларда етказилган зарарни қоплаш жавоб-гарликдан мутлақо халос этмайди. Бу фақатгина жазони енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб, бундай жиноят ишлари, албатта, судда кўриб чиқилиб, жино-ий жавобгарлик масаласи ҳал этила-ди. Ўз навбатида бунинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам мавжуд.

Жиноятчиликнинг ҳарқандай кўри-нишига қарши курашишида энг авва-ло, шу тушулганини фуқаролар онгига етказиш, уларнинг ҳуқуқий мадания-тини оширишга эътиборни қаратиш лозим. Кишиларда қонунлар ҳур-мат ва итот туғйиси камол топса, ҳаётда ҳар бир инсон ҳалоллиқни шўр этиб яшаш лозимлигини ан-глаб етсагина тараққиёт кундаси бўлган иқтисодий жиноятларнинг илдизига болта урган бўлаемиз.

**Хусниддин МАДАМИНОВ,**  
Наманган вилоят прокуратураси  
иқтисодий жиноятчилик ва  
коррупцияга қарши  
курашиш бўлими бошлиғи





Бугунги кунда турли мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий бирлашмалар аввало хавфсизлики таъминлаш учун ҳаракат қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам хавфсизлики таъминламасдан туриб, иқтисодий тараққиётга, давлатлараро муносабатларнинг раванқига, миллатлараро тотувликка эришиш мушкул. Жаҳон харитасига нигоҳ ташлар эканмиз, 10 йилликлар мобайнида Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий минтақавий уюшмаси (АСЕАН), Европа иттифоқи, Форс кўрφαзи атрофида жойлашган давлатларнинг иқтисодий ташкилоти, Америка давлатларининг минтақавий иқтисодий уюшмаси (НАФТА) ва бошқа иқтисодий-сиёсий ташкилотлари аввало минтақалар барқарорлиги учун фаолият олиб борганлигини кўрамиз. Шунингдек, ҳозир ер юзида иқтисодий муносабатлар барқарорлигига қаратилган 20 дан ортиқ турли халқаро ташкилотлар бор, аммо уларнинг барчаси ҳам ўз мақсад ва вазифаларини бажариш йўлида тўсиқларга дуч келмаяпти, дея оламимиз.

Янгидан-янг иқтисодий ёки минтақавий тузилмалар пайдо бўлмоқда. Уларни дунё эътироф этмоқда. Булар орасида Ўзбекистон 2001 йил тўлиқ аъзо бўлиб кирган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ёки кунга кеча мамлакатимиз тенг ҳуқуқли аъзо бўлган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Эслатиб ўтамиз, 2005 йилнинг 6-7 октябр кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотини Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшишга бағишланган анжуман бўлиб ўтган эди. Бу тақдир Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилди. Шу тариха эндиликда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятида Ўзбекистондан ташқари Белоруссия, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бор. Ушбу олти давлат худуди ер юзининг 6 дан бир қисмини ташкил этади. Ҳозирги кунда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига кирган мамлакатлар аҳолиси 210 миллиондан ошиб кетди.

Шу вақтгача Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида 85 га яқин муҳим иқтисодий, молиявий ҳужжатлар имзоланган. Бироқ, ушбу ҳужжатларнинг 60 га яқинигина қўлга кирган. Албатта, келажакда эркин савдо худудини барпо этиш бўйича имзоланган аҳдномалар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига кирган 6 мамлакатга ҳам наф келтириши мумкин. Бундан 5 йил аввал имзоланган Божона иттифоқи тўғрисидаги шартнома борасида ҳам ҳали ечимини

кутаётган муаммолар бор.

Ягона энергетика ва транспорт бозорини юзага келтириш борасида ҳам дадил қадам қўйилмоқда. Лекин бу соҳада ҳам муаммолар етарли. 6 давлат фуқароларининг визасиз ўзаро борди-келдисини таъминлаш, олий ўқув юртлари ўртасидаги дўстона илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлики кенгайтириш масаласида ҳам қатор келишувлар мавжуд. Бу соҳада ҳам дастлабки қадамлар ташланди.

Албатта, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти тараққиётида икки томонлама муносабатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада Ўзбекистон билан Россия алоқаларининг ривож топиб бориши ҳамжамиятнинг мазмун ва моҳиятини янада бойитиши мумкин. Маълумки, давлатларимиз

1,5 миллиард АҚШ доллардан ошади. Демак, мазкур икки битимнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммити доирасида имзоланиши ушбу ҳужжатларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан анча кенг эканлигига далил бўла олади.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига 6 давлат аъзо ҳамда 3 давлат (Украина, Молдова, Арманистон) кузатувчи мақомида иштирок этмоқда.

Ҳамжамият доирасидаги иқтисодий, молия-



вий, маданий ва айниқса, сиёсий жабҳалардаги муносабатларнинг яхши йўлга қўйилиши минтақалар барқарорлиги учун хизмат қилади. Шу боис ЕИХ фаолиятига хорижда ҳам қизиқиш катта. Россия раҳбари Владимир Путин таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ушбу ҳамжамият аъзолари сафидан жой олиши, унинг обрў-эътиборини яна ҳам ошириши, бундан ташқари Марказий Осиёда умумий иқтисодий ва сиёсий хавфсизлики таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ечиш учун катта маъдад бўлди. Олдиорқ қилиб айтганда, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагидир. Шу боис Россия ва бошқа давлатларнинг мамлакатимизга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан ёндошаётгани тасодиғий эмас.

Бир сўз билан айтганда, ЕИХ тинчлик ишига хизмат қилиши учун ўзининг дадил қадами ташлаш бошлади. Албатта, тинчлик ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Бунинг учун катта ҳаракат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатларни яқинлаштириш талаб қилинади. Ҳамжамият ҳақида яна қўллар илқ фикрлар айтиш мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Санкт-Петербургда кета туриб ушбу ҳамжамият тўғрисида айтган фикридан келиб чиқиб, олти давлат аъзо бўлган иқтисодий ташкилотни Халқаро Елкадошлар ҳамкорлиги деб аташ ҳам мумкин. Зеро, бу ҳамкорлик умумжаҳон тинчлик ишига хизмат қилади.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,  
сиёсий шарҳловчи

## Минтақалар хавфсизлиги

ўртасидаги йиллик маҳсулот айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Ўзбекистонда 400 дан ортиқ қўшма корхоналар Россия сармоиси асосида ва айна пайтда 270 га яқин қўшма корхоналар Россияда Ўзбекистон сармоси негизида фаолият юритмоқда. Аграр соҳадаги муносабатларда ҳам Ўзбекистон-Россия муносабатлари жадал ривожланаётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, пахта, ипак, мевасазовот ва бошқа аграр тармоқ бўйича ўзаро алоқалар янги босқичга кирди.

Россиядаги «Газпром», «Лукойл» компаниялари ҳақида кўпгина фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Россиянинг «Газпром» ОАЖ ўртасида мамлакатимиз Устюрт минтақасидаги Урга, Қувоч ва Ақчалар конларини ўзлаштириш тўғрисидаги битимнинг асосий тамойили ҳам ўзаро иқтисодий муносабатларимизни кенгайтиришга қаратилган. Шунингдек, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида имзоланган битим ҳам келажакда давлатлараро иқтисодий ва сиёсий муносабатларимизнинг ва сўзсиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги алоқаларни чўқурлаштиради. Мисолларга эътибор қаратсак, Устюртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни кўзда тутувчи ушбу ҳужжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенгдир. «Газпром»нинг мамлакатимизга кириши мўлжалланган лойиҳаси умумий ҳисобда

## Дипломатик келишув

Пекинда Шимолий Корея ҳамда Япония ҳукумати вакиллари ўртасида беш кунлик дипломатик музокаралар бўлиб ўтмоқда. Мазкур учрашувда икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш, келажакда бошқа соҳадаги алоқаларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилапти. Маълумки, Япония ҳамда КХДР ўртасидаги дипломатик алоқалар анча кескинлашган эди. Зиддиятлар келиб чиқишига 1970 — 1980-йилларда Шимолий Корея махсус хизматлари томонидан Япония фуқароларининг ўғирлаб кетилиши сабаб бўлган. 2002 йилда расмий Пхенян мамлакат махсус хизматлари томонидан 13 нафар япон фуқароси ўғирланганини тан олган.



Улардан 5 нафари Японияга экстрадиция қилинган. Қолганларининг ҳаётдан кўз юмганлиги маълум қилинган. Бироқ, расмий Токио бу жавоб билан қониқмасдан, қолган японларнинг ўлганлиги тўғрисида аниқ далиллارни талаб этмоқда. Япония делегациясининг вакили Коити Харагути бу масалага изох берар экан, мазкур муаммони ҳал этмасдан туриб тўлақонли дипломатик алоқалар тўғрисида гапириш эрталигини таъкидлади. Шунингдек, музокаралар чоғида Шимолий Кореянинг ядровий дастурига доир масалалар ҳам атрофича кўриб чиқилди.



**ЯДРОВИЙ ҚАРОР**

Расмий Техрон халқаро атом энергетикаси ташкилоти — МАГАТЭ билан ҳамкорлик қилишни тўхтайтишни ва тинчлик йўлида ядро дастури бўйича изланишларини давом эттиришни эълон қилди. Эрон ташқи ишлар вазирлиги ҳодимининг баёнотида кўра, бундан буён халқаро атом энергетикаси ташкилотининг текширувчилари Эрондаги ядро объектларига оғохлантирмасдан ташриф буюра олмайдилар. Шу билан бирга, Техрон ядро қуроллини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномага тўла риоя қилишни таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Эрон дипломатлари ушбу соҳада халқаро ҳамжамият билан маслаҳатлашиб туришни билдирган. Бироқ, Буюкбритания, Германия ва Франция маслаҳатчилари рўйхатдан чиқариб ташланган. Эрон ҳукумати ушбу уқлики ядро соҳасида етарлича сиёсий мавқега эга эмас дея эътироф этди. Мамлакат аҳолиси орасида ўтказилган сўровга кўра, Эрон аҳолисининг 85 фоизи мамлакатнинг ядро дастурини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаган.



## 01 Эҳтиётсизлик оқибати

Москва шаҳри марказида тўрт қаватли бино ёниб кетди. Ёнгини ўчириш ишларига шахсан Москва шаҳри бўйича ёнгин хавфсизлиги назорати хизмати бошлиғи генерал-майор Виктор Климин раҳбарлик қилди. Ёнгин натижасида ҳалок бўлганлар тўғрисида маълумотлар йўқ. Дастлабки тахминларга кўра, ёнгин уйда истиқомат қилувчиларнинг эҳтиётсизлиги натижасида рўй берган бўлиши мумкин. Айна дамда Москва шаҳар ҳокимияти томонидан талофат кўрганларга бошпана бериш масалалари ҳал этилди.

## XXI аср «Титаник»и

Қизил денгизда ҳалокатга учраган кема йўловчиларини қутқариш ишлари давом этмоқда. Бироқ, соат сайин денгизга гарқ бўлганларни тириклай топиш умиди камайиб борапти. «As-Salom» пароми Миср ҳамда Саудия Арабистонини боғлаб турувчи энг қулай транспорт воситаси эди. Минглаб ишчилар, ҳаж сафарига чиққан мисрликлар у орқали Саудияга етиб боришарди. Утган ҳафта пайшанба кун кечаси бортида 1300 та йўловчи ва 100 нафар экипаж аъзолари бўлган кема Саудия Арабистонининг Дуба портидан йўлга чиқиб, Мисрнинг Сафагу портига етиб келолмаган. Хабарларга қараганда, паромда ёнгин рўй беради, уни ўчириш учун денгиз сувидан фойдаланилади. Бироқ, кемада йиғилган сув ҳажми керагидан ошиб кетиб, у чўка бошлади. Сўнгги маълумотларга кўра, кема ҳалокати оқибатида 186 киши ҳалок бўлган, 800 киши бедарак йўқолган, фақатгина 387 киши қутқариб олинган, холос. Айна дамда бедарак кетганлар қидирилмоқда.



«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси Бухоро вилоят прокуратурасининг Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи

Мақсуд ВАҲОБОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

## ХАР ДАРАХТГА ҚУШ КЕЛАРМИШ...

Касбига борсам, яқинда туширган келинимизнинг момосини бир кўр зиёрат қилиб ўтаман.

Унинг ҳовлисига нақшинкор эшикдан кириб борилади.

— Тўта, одам қариса, тўрт оёқ бўлиб қоларкан-да, — дейман икки ҳассага сўяниб юрган Муҳаддам аяга аския қилиб. Ая «қарғайди»:

— Сизам қариб, шундай бўлиб юринг, илоийм.

Илиқина сандал атрофига ўтирамиз.

Сандиқчани очиб, қанд-курс, гўлин, майиз кўйиб, мурувват қилади.

Ишораси билан ийманигина ўтирган неварга келини чой кўйиб узатади.

— Нега Довуддон Касбига келса, доим мени кўриб кетади десаам; гап бор экан-да. Хай, майли, бахтли-тахтли бўлишсин! — дуо қилади ая. Сўнг ҳикоясини бошлайди.

— Амакинғиз Саломхон бўз йигит эди. Дадамнинг сурувини боқарди.

Дутор чаларди. Мехмонхонада дутор чертса, уйнинг орқасидан келиб ёпиқ дарчанинг тирқишига пиқнона кулоқ тутиб, сел бўлиб тинглаганман. Гўё куйган кўнгил нола қиларди.

Шўхлигим тутиб, тушда яйловга ёлғиз жўнадим. Юлғунзорни паналаб бордим. Бошимда паранжи.

Шохлаб кетган катта бута соясида чордона куриб олиб, тош товоққа тунчадан сув кўйиб, нон ивтиб еб ўтирган экан.

Ёнига аста бориб, бирдан паранжини кўтардим. Чўчиб кетди. Қалин қошлари остида порлаб турган кўзларини олиб қочди. Тарбияли, аммо жуда содда одам эди.

— Нимага келдинг? — деди кўзини ердан узмай.

— Оч қолдим.

— Бор уйингга, сурув-сурув кўйларинг бўла туриб, менинг яримта номинга шерик бўласанми?

Қаттиқ хафа бўлдим. «Мен номингга зорманми? Кўзинг кўр бўлсин» деб қаргадим. Шартта изимга бурилиб, уйимга чопқиллаб кетдим. Бир марта ҳам ортга боқмадим...

Кўп ўтмай бир куни уни қип-қизил қонга бўялган ҳолда олиб келишди. Ювиб, тарашди. Даволашди. Аммо...

Бир кўзини босмачиларнинг ўқи ялаб кетибди. Бизларнинг қўйимизни асраб қолиш учун роса олишибди бечора. Мулоийм, ҳокисор йигитда шер юрак борлигидан ҳамма хайратда.

Ёниқорачиқ ўрнида совуқ чуқурча. Башараси хунук бўлиб қолганди. Отанам унинг шу ахволга тушиб қолганидан ўзларини айбдордай ҳис этиб юрганликларини сезиб юрардим. Мени ўшанга беришса нима қиламан.

Яхши йигит, лекин дугоналарим Анзират, Зубайда роса устимдан кулишади «Тилинг бурро эди-ку. Келиб-келиб топаннинг сўжир бўлдимми?» дейишади. Уларнинг куйиб турган қиёфалари кўз ўнгимга келди. Йўқ, бўлмайди.

Айтганимдай, катта сўзанани тиззаларига олиб, тикиб ўтирган онам чақириб қолди.

— Сен ҳам катта бўлиб қолдинг, бундоқ жойиш, даструймолча тўқинири ўргансанг бўлмайдими?

— Биламан, тўқинганман.

— Саломхонга атаб ҳамми?

— Нима? «Бир кўзини акка еган, яримта нонни якка еган»га тегаманми? — дедим қатъий.

Момо ҳикоясини тугатаркан, деди:

— Мана, орадан етмиш йил ўтиб, набирамни набирасига турмушга бердим. Шунга айтар экан-да «Хар дарахтга қуш келармиш, одам одамга дуч келармиш» деб.

Довуд МАХДИЙ

## ҲАМ КУЛАСИЗ, ҲАМ КУЯСИЗ

Целлофан ўрамини очиб пай-тида унинг ичидан номаълум шаклга эга бўлган қаттиқ жисми топилди. Синчиклаб кўздан кечирилганда, жисми яшил ишшадан ташкил топган бутилка эканлиги маълум бўлди... (актдан).

\*\*\*

Бу машина оғошлангир-мадан туриб, менинг машинага тўғридан-тўғри келиб урилди (ҳайдовчининг тушунтириш хатидан).

\*\*\*

Мурданинг қиёфаси унинг чўнтагидан чиққан паспорт суратидagi кишини эслатади (воқеа жойини кўздан кечириш баённомасидан).

\*\*\*

Алоҳида белгилари: кулоқлар бошдан бироз ажраган (қидирув тўғрисидаги эълондан).

\*\*\*

...Тананинг баъзи қисмида тўқ қизғин хидм мурда доғлари маъжуд (воқеа жойини кўздан кечириш баённомасидан).

\*\*\*

Мен ўзим, ҳеч қилинми ёрдамсиз сирғаниб кетдим ва бошимни метрога уриб олдим (жабрланувчининг кўрсатмасидан).

\*\*\*

Силёвоч катта тезликда яқинлашиб келарди. Мен машинални бурмоқчи эдим, аммо улгурмадим. Силёвоч машинага келиб урилди (ҳайдовчининг кўрсатмасидан).



Улфатлардан бири тўйга айтилмай қолди. Тонг сахарда ҳофизнинг хониши чор-атрофини тутди. Тўйхона жойлашган кўчанинг у бошидан бу бошига қадар сув сепиб, супурилган, димокка намхуш тупроқнинг ифори урилади. Бу ифор паловхонтўраининг хуштаъм хиди билан аралашиб, иштаҳани китиклайди. Жўралардан бири учинчи улфатни эслаб қолди.

## ЁЛҒОННИНГ САВОБИ

— Менга қара, қани дўхтир, айтувимдинг ўзи... Сен иккаланг мен йўғимда бир балони бошлагансиз-ов.

— Ака, қизиқмисиз, келиб-келиб ўз дўстимни хафа қиламанми, хаёлимдан кўтарилибди-да. Тўхтанг, бир дақиқа, почча бу ёққа келинг, — кўрсаткич бармоғи билан нарироқдаги алланмаларни ёзиб олди. Халлослаганча учинчи улфатнинг ишончасига кириб борди.

— Ака, уэр паршонхотирликкурсин, сизни тўйга айтиш менга топширилган эди. Тўй ташвиши билан бўлиб, хаёлимдан кўтарилибди. Ишонмасангиз, мана рўйхат, минг

бор уэр, мен виноват. Нақ бургут мисол курлайиб турган, «учинчи» секин «хабарчи»нинг қўлидаги қоғозга сер солди. Афтангори хийла ёришди.

— Бўпти, ҳозир етиб бораман.

Фаросатли одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Почча минг қилса ҳам, эл орасида юрибди-да. Ушанда у четроққа чиқиб, ён дафтарида 10-15 кишининг номини ёзиб, ёлғондакам рўйхат тузган. Уша исмларнинг ёнига «айтдим» белгисини қўйиб чиққач, учинчи улфатнинг хузурига бориб, тўйга таклиф қилган экан.

Қаранг, кичкинагина бир хийла билан бир инсоннинг кўнгли обод бўлди. Ёлғоннинг ҳам савоби бўларкан-да...

Гулчехра ЖўРАЕВА, Қашқадарё

Спорт

## РўЙХАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон терма жамоасининг янги бош мураббийи Валерий Непомняний 12-19 феврал куллари БААда ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди, дея хабар беради Ўзбекистон футбол федерациясининг ахборот-таҳлил бўлими.

Миллий терма жамоа рўйхатидан Москвадан ЦСКА клуби ҳимоячиси Виталий Денисов ҳам ўрин эгаллаган.

Қисқа муддатли танаффусдан сўнг терма жамоага яна Зайниддин Тожиёв ва Андрей Власичевлар қайтишди. Терма жамоанинг асосий легионерлари 19 феврал куни Тошкентга учиб келишади.



## Қизиқарли факт

Дунё аҳолисининг 25 фоизи телефондан умуман фойдаланмаган.



Адвокат: — Хурматли ҳайбат аъзолари! Айбланувчининг адвокати сифатида мени таллаганининг ўзи, уни ақли нороса деб ҳисоблашга етарлидир. \*\*\*

Судья: — Шундай улғў ёшда бўла туриб автомобил ўғирлашга уялмайсизми? Айбланувчи: — Ёшлигимда автомобилларнинг жуда кам бўлаганлиги менинг айбимми? \*\*\*

Судья қамқоқхонадан қочган тўрт нафар ҳиндуни сўроқ қилапти: — Нега қамқоқхонадан қочиб кетдингиз? — Қамқоқда бир, икки, уч кун утирдик. Тўртинчи кунга эса шеригимиз Лочинкўз қамқоқхонанинг бир девори йўқлигини кўриб қолди.

**Ҳазил**

### Қайнонам

Қора будут — қошин уймайди,  
Сувада чўкмас, ўтда куймайди,  
Ҳеч ким уни мендай «суймайди»,  
Энг меҳрибон менинг қайнонам.

Келиши бор, кетиши йўқдир,  
Зериктирмас, жанжалкаш,  
«шўх»дир,  
Кулиб айтган ҳар сўзи ўқдир,  
Энг меҳрибон менинг қайнонам.

Яқини йўқ ёлғиз ўздан,  
Қор ёғади нурали юздан,  
Жаллод қочар кўрса кўздан,  
Энг меҳрибон менинг қайнонам.

Яқинлиги яқиндан яқини,  
Кўёвман, ҳазилкаш бақини,  
Чунки қизи ҳаётим нақини,  
Энг меҳрибон менинг қайнонам.

Ўқтам ДАВЛАТОВ,  
Хоразм вилояти Богот тумани  
Кулқорқорабоғ қишлоғи

### Афоризм

Фикримизга қўшилганларнигина ақлли инсонлар қаторига қўшиш тўғри эмас.

Ҳарфларини тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзини аниқлаб. (Намунага қаранг).

Апелляция

Ушан соғайиб робус жавоблари: давлатер, гувосилатари, апелляция, магистратура, обангани, инистия, актилоқловчи, суратитери, клептоманша, прерогатива

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

**Ta'asischi:**  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Abdullolq ABDURAZZOQOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Bahridin VALIYEV, Pirmiqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34, 133-64-72.  
**E-mail:** Info@huquq.uz  
**Faks:** 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egaloriga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г — 456**.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir: Y. PARDAYEV**  
**Musahhihi: A. MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678

**Gazeta haftaniga chorsanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**